Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 152 (6. 043) 1986 йил 3 июль, пайшанба Баҳоси 3 тийин.

Замондошимиз

Феруза Абдураҳимова студентлик йилларидаёқ Куйбишев район Советининг депутати эди. У Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари факультетини «аъло» баҳолар билан тугатгандан сўнг шу ерда ишга қолди. Халқ мусиқасига бўлган ҳавас, сўнмас иштиёқ унинг ўз ишига нисбатан масъулият кўзи билан қараш, вазифасини халол бажаришга ундарди.

Орзунинг қаноти бор деганларидек, айни пайтда Ф. Абдураҳимова ўзи таълим олган санъат даргоҳида халқ чолғу асбоблари факультетининг декани 1970 йилдан бери КПСС аъзоси бўлмиш бу фидойи аёл ҳозирги кунда халқ ва Ватанига муносиб кадрлар етказиб бериш йўлида бор билим ва тажрибасини аямасдан келаётир.

Ф. Абдураҳимова икки фарзанднинг онаси. Қизи Ирода ҳам музикага ҳавасманд. У айни пайтда фортепьяно чалиш сирларини ўрганмоқда. Ўғли Жамшид эса ўрта мактабнинг биринчи синфига қатнаяпти. Куни келиб оқанинг орзулари болалар тимсолида амалга ошса унинг учун бундан ортиқ бахт борми...

СУРАТДА Ф. Абдураҳимова.

Т. Каримов фотолари.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАРАКАТИМИЗ ҚЎЛЛАНМАСИ

«Ўроқ ва Болға» иттифоқи

Ер ости манбаларининг «калитлари»

Суғориш резервларидан ҳали тўла-тўкис фойдаланилмаган. Ўзбекистонда сув ғоятда танқис бўлиб турибдию, бир ярим мингга яқин қудуқ бекор ётибди. Холбуки, улар ҳар куни 3 миллион кубметрдан знёд сув бериш мумкин эди.

Насос ёрдамида ана шу сувни олиш мумкин бўларди. Лекин ана шу насос етишмаяпти. Шунинг учун сув кўтарадиган ҳамма қурилмаларни, ҳаттоки, ишдан чиққан деб ҳисобланган қурилмаларни тиклаб ишга солиш лозим.

Шу кунларда «Узводремстройэксплуатация» бирлашмаси насосларни тиклаб беряпти. Кўпгина гидроагрегатлар бу ерда нормадаги учта ремонт ўрнига беш ва олтинчи катта ремонтдан ўтяпти. Июнь ойининг ўзидагина 600 дан ортиқ ботирма насослар ишга солинди.

Лекин булар етарли эмас. Запас қисмларнинг етишмаслиги ишга монелик қилиб турибди. Кўпгина устахоналарда ремонтга келтирилган икки-учта насосдан битта насос йиғиб тайёрланади. Ҳозир завод цехларида ер ости сув манбаларининг «калитлари» тайёрланмоқда.



Сиз суратда кўриб турган Маҳаммаджон Муллажонов Тошкентдаги электр-рўзғор буюмлари заводида бир неча йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келади. Ўз касбининг устаси бўлган бу пешқадам пайвандловчи коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эга. У жамоат ишларида ҳам актив қатнашади. Ҳозир М. Муллажонов цех комсомол ташкилотининг секретари сифатида ҳам фаоллик кўрсатмоқда.

ИЛҒОР УСУЛ САМАРАСИ

«Тошкент» товар станциясининг меҳнаткашлари социалистик мажбуриятларнинг муҳим бандини муддатидан илгари адо этдилар. Улар меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 9 процент оширдилар, маҳсулот таннархини эса 11 процент арзонлаштирдилар. Белоруссиялик ҳамкасблар қўлланаётган илғор методни жорий этиш туфайли шундай муваффақиятга эришилди. Эндиликда илгариги иш ҳажмини анча кам ишчи кучи билан бажарилмоқда.

Станцияда меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Бу ерда жўнатувчиларни бўлғуси жараёнлардан оператив хабардор қилиб туриш, юкларни ўз вақтида ўтказилишини контроль қилиш йўлга қўйилган.

Қурилиш майдонларида

Графикдан ўзиб

1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармасининг З. Фасхутдинов бошлиқ комплекслашган коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари бир неча йиллардан бери комбинат коллективи ўртасидаги социалистик мусобақада ғолиблик қилиб келмоқда.

Коллектив ярим йиллик планни муддатидан икки ҳафта илгари адо этди. Шу кунларда бунёдкорлар Чилонзор массивининг Сегизбоев кўчасида қад кўтараётган турар жой биноси қурилишида меҳнат қилишяпти. Ишнинг бригада пудрати асосида ташкил этилиши туфайли қурувчилар самарали ютуқларни қўлга киритишяпти. Улар кунлик смена топшириқларини 15 — 20 процент ошириб адо этиш билан бирга қурилиш ишларининг юксак сифатлигига ҳам эришишмоқда.

Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш, илғор иш тажрибаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, қурилиш ускуналари ва мосламаларидан унумли фойдаланиш, қурувчилар ишини сезиларли даражада жадаллаштирмоқда.

Бригаданинг О. Ромашкин, Ш. Мингалиев сингари электр пайвандчилари эса юксак унумдорликка эришиб, ишламоқдалар.

Қурувчилар шу кунларда Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига социалистик мусобақани тобора авж олдиришяпти. Улар байрам нишонланадиган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг йиллик план топшириқларини бажаришни кўзда тутишган. Фақат июнь ойининг ўзида коллектив 2 минг сўмликдан ортиқ қурилиш-монтаж ишларини бажарди.

Пешқадам бригада

«Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарашли 8-қурилиш бошқармаси коллективлари ўртасида бошланган социалистик мусобақада Б. Данилкин бошлиқ бригада аъзолари ғолиблик қилишмоқда. Шу кунларда тракторсозлар массивида қад кўтараётган 240 ўринли ётоқхона биноси қурилишида актив қатнашаётган коллектив графикдан икки ҳафта ўзган ҳолда ишламоқда. Бригаданинг Р. Берсенов ва Д. Винокуров сингари қурувчилари смена топшириқларини ҳамиша ортиғи билан адо этишиб, ўз ҳамкасбларига ўрнак бўлишаётир.

Пешқадам коллектив Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига бошланган мусобақани авж олдириб, байрам кунигача ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажаришга бел боғлаган.

Машинасозлик истиқболига бағишлаб

Тошкент политехника институти олимлари машинасозлик корхоналари инженер-техник ходимлари билан яқин ижодий ҳамкорликда иш олиб бормоқдалар. Олий ўқув юртининг механика-машинасозлик факультетида, унинг кафедраларида бу соҳада қатор ибратли тадбирлар амалга оширилди.

Ана шу каби изланишларга институт олимларининг республика машинасозлик корхоналари етакчи инженер техник ходимлари билан учрашувида якун ясалди. Тошкент шаҳар партия комитети, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва Тошкент политехника институти томонидан уюштирилган учрашув Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилди.

Учрашувни Ўзбекистон ССР Олий ва махсус ўрта таълим министрининг ўринбосари З. Салимов кириш сўзи билан очди. Олий ўқув юртларидан олимлар томонидан машинасозлик тараққиёти, порошокли металлургиядан кенг фойдаланиш, пайвандлашнинг илғор технологияси, пахта териш машиналарини такомиллаштириш, химия машинасозлигини ривожлантиришга доир докладлар қизиқиш билан тингланди. Профессорлардан М. Болабеков, П. Ёқубов, С. Зокиров, А. Муҳамедов, М. Абролов, А. Садриддинов қилган докладлар ўзининг актуаллиги, илмий-практик аҳамияти билан ажралиб туради.

Учрашувда Тошкент мотор заводи, «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбексельмаш» ва «Ўзбекхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа йирик машинасозлик корхоналаридан вакиллар қатнашдилар.

Учрашув қатнашчилари виставкада ташкил этилган «Илмий-техника тараққиёти —86» экспозициясн ҳамда институтнинг машинасозлик механикаси факультети кафедралари иши билан танишдилар.

Олий ўқув юрти олимлари ва ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ўртасида бўлиб ўтган мунозара билан учрашувга якун ясалди.

А. АЛИЕВ.

ГЕОЛОГЛАР УЧУН ПУХТА УСКУНА

ТОШКЕНТДАГИ «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводида «ПОУ 4-2М» кўчма бурғилаш ускунаси қўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Бу ускўна катта эмас, лекин хосияти кўп. Ундан шаҳар шароитида ҳам, бевосита намуна олинаётган «дала» шароитида ҳам фойдаланса бўлади.

Завод меҳнат аҳли рангли ва асил металлар марказий илмий-тадқиқот геология-разведка институти билан ҳамкорликда ишлаб чиққан бу ускунага ер ости разведкачилари яхши баҳо бердилар. Ускунанинг дастлабки тажриба турқуми Урал, Сибирда ва мамлакатнинг бошқа регионларида синовдан муваффақиятли ўтди. Йил охиригача яна 40 та ана шундай машина тайёрланади.

Техника тараққиёти йўлидан

Янги ускуналар ўрнатилмоқда

Шаҳримиздаги санитария-техника жиҳозлари тажриба-эксперименталь заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг XXVII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ эта бориб, янгидан-янги муваффақиятларга эришмоқда. Улуғ Октябрнинг 69 йиллиги шарафига ўзаро социалистик мусобақани кучайтираётган корхона меҳнат аҳли ишлаб чиқаришда техника тараққиётига кенг эътибор бераяпти. Шунга кўра, корхона цехлари ва ишлаб чиқариш участкаларини техника билан қайта қуроллантириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ерда яқин кунлар ичида «ТА240» моделдаги олти шпинделли автоматлардан бештаси ишга туширилди. Шунингдек, сонли программ усулида бошқариладиган тўрт станок, бешта замонавий темирчилик-пресслаш агрегатлари ҳам маҳсулот чиқара бошлади.

Йил охиригача корхонада 570 минг сўмлик замонавий технологик ускуналар ўрнатиш кўзда тутилмоқда. 1987 йил охирига бориб, ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш тўла ниҳоясига етказилади. Бу эса ўз навбатида завода ишчилар сонини оширмаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмини 1,4 миллион сўм миқдорида кўпайтириш имконини беради.

Мелиораторларнинг яна бир касби

Турдош касбларни эгаллаш Новгород яқинидаги «Ташкентский» сутчилик — сабзавотчилик совхозини қураётган «Тошкент — 9» механизациялашган ихтисослаштирилган кўчма колонна коллективига техникадан унумли фойдаланиш, гидротехника объектларн қуриш суръати ва сифатини ошириш имконини берди. Комсомоллар «ўртоғинг касбини ҳам ўрганиб ол!» ташаббусини бошлаб бердилар. Яқинда қувур ётқизувчиларнинг катта бир группаси тракторчилар ҳамда бир чўмичли экскаваторлар машинистларини тайёрлаш курсини битириб турдош касбларни эгалладилар.

«Узновгородводстрой» трестининг кўчма колонналарида кўплаб ёш ишчилар икки-уч касбни ўрганиб олганлар. Бу уларга техника ва механизмлардан яхшироқ ва унумлироқ фойдаланиш, мелиораторлар маошини ошириш, социалистик мусобақада юксак натижаларга эришиш имконини бермоқда.

• янгиликлар • воқеалар • фактлар •

● Тошкентдаги «Ёшлар уйи» биноси олдида хилма-хил соябонлар пайдо бўлди. Бу ерда янги ёзги кафе очилди. Кафеда музқаймоқ, салқин ичимликлар ва шарбатлар сотилади. Кечқурунлари бу ерда музика тинглаб, ёш артистлар, ҳаваскор коллективларнинг концертларини томоша қилиш мумкин.

● «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида чиройли гулдонлар ва кўзгу рамкалари ишлаб чиқарила бошланди. Бундай маҳсулотларни тайёрлаш учун полистирол чиқиндиларидан фойдаланилмоқда. Шу тарика, қўшимча хом ашё манбаларини жалб этмаган ҳолда харидоргир моллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлинди.

● Тошкент ремонт-экскаватор заводида икки маркадаги гидромашиналар учун насос иш гилдиракларининг асосий деталлари қўйила бошлади. Ҳар ойда улардан 500 дона тайёрланади. Корхона коллективи сув кўтариб берадиган техниканинг тез-тез едирилиб турадиган бошқа қисмларини тайёрлашни ҳам ўзлаштирди. Пўлат валлар, муфталар, втулкалар шулар жумласидандир.

● Тошкент область Наримонов шаҳридаги экспериментал ихтисослашган ремонт корхонасининг қуюв цехидан сув кўтарувчи машина вали учун таянч узеллар муддатидан илгари тайёрлаб чиқарилди. Бу ерда яна битта мураккаб деталь тайёрлаш учун ускуналар ҳозирлаш ниҳоясига етай деб қолди. Суғориш мавсуми мобайнида «Узводремстройэксплуатация» устахоналарига қўшимча юзлаб шундай деталлар келтирилади.

«Тошкент оқшоми»нинг ўз мухбирлари, ЎзТАГ ва жамоатчи муаллифларидан.

Музейга совға

Днепрни кечиб ўтиш жангларида кўп талофатлар берилди. Шундай оғир шароитда совет жангчилари олға дадил интилиб, фашистларга қақшатқич зарбалар бердилар. Жумладан, полк разведкаси командири катта сержант М. П. Шибаев ажойиб мардлик ва жасорат намунасини кўрсатди. Днепрнинг ғарбий қирғоғида фашистлар билан мардона олишиб, душманнинг икки траншеясини эгаллади. Учинчи траншеяда эса оғир яраланди. Ана шу довюраклиги учун унга олий мукофот — Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилган эди.

Жасур жангчи Ватаннинг орден ва медаллари билан тақдирланган эди. Бундан бир йил муқаддам у вафот этди. Ана шу мукофотлар, унинг шахсий ҳужжатлари экспонат сифатида яқинда Туркистон ҳарбий округи музейидан ўрин олди. М. Шибаевнинг қизи уларни музейга совға қилиб топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ТОШКЕНТ ШАҲАР 58-ДЎМБРОБОД САЙЛОВ ОКРУГИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА ДЕПУТАТ САЙЛОВИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

«Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 57-моддасига биноан Тошкент шаҳрининг 58-Дўмбробод сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат сайлови 1986 йил 3 август, якшанба кунига белгилансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕКҚУЛБЕКОВА.

1986 йил 2 июль.

Тошкент шаҳри.

Маданият янгиликлари

Хабаровск театри гастроллари

Хабаровск давлат музикали комедия театрининг гастроллари Тошкентда «Малиновкада тўй» спектаклини намойиш қилиш билан бошланди. Бу ижодий коллектив Тошкентга биринчи бор келиши. Унинг республикамиз пойтахтига гастроли театрнинг 60 йиллигига тўғри келди.

Гастроль программасида И. Дунаевскийнинг «Куёвлар», В. Соловьев— Седойнинг «Ун саккиз ёшлигим» оперетталари, чет эллик авторлар асарлари асосида тайёрланган спектакллар бор.

(ЎзТАГ).

ТАСС ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ НЬЮ-ЙОРК. АҚШ коммунистик ёшлар союзининг иккинчи съезди АҚШдаги ана шу оммавий ёшлар ташкилоти Уставини, шунингдек йигит ва қизларни тинчлик ва қуролланишт пойгасини жиловлаш учун курашга актив қўшилишга даъват этувчи резолюцияни қабул қилиш билан бу ерда якунланди. Анжуманда Американинг ёш коммунистлари АҚШда социализм жамият қуриш учун курашда куч-ғайратларини аямаслик тўғрисида тантанали қасамёд қилдилар. Қабул қилинган Уставда АҚШ коммунистик ёшлар союзи Америка ишчилар синфи революцион мақсадлари ҳамда вазифаларига содиқ бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидланади. АҚШ коммунистик ёшлар союзи миллий комитетининг пленумида Жон Бектел союзнинг яна миллий раиси қилиб сайланди.

⊙ ВАШИНГТОН. Ҳамма ядро портлатишларини тўхтатиш учун курашаётган жамоат ташкилотлари уюшмаси биринчи июль куни АҚШнинг мазкур масаладаги позициясига қарши норозилик намойиши ўтказишга даъват этиб, мурожаат қилди. Жамоатчиликнинг намойиши Бикини оролида ядро қурилмаси портлатилганлигининг 40 йиллигига мўлжаллаб ўтказилади. Ана шу портлатиш билан оммавий қирғин қуролининг мана шу турн синовларининг кенг кўламли программаси бошланган эди. Даъватномада Совет Иттифоқининг ядро портлатишларини ўз ихтиёри билан тўхтатиб қўйганлиги ядровий қуролланиш пойгасини орқага буриб юбориш учун реал имконият бериш таъкидланди.

⊙ ЛОНДОН. Британия пойтахтида бугун «Эврика» программаси бўйича учинчи ҳукуматлараро конференция очилади. Конференцияда Ғарбий Европадаги 18 мамлакат ташқи ишлар министрлари ва илмий тадқиқот министрлари ҳамда Европа ҳамжамияти комиссияси раҳбарлигининг вакили қатнашади. «Эврика» программаси юксак аниқликдаги илғор технология соҳасида биргаликда илмий тадқиқотлар ўтказиш билан боғлиқ. Унда қатнашувчи мамлакатларнинг ҳукуматлари бошланган илмий-техникавий ҳамкорликнинг тинч, граждан лик характерини расмий равишда ёқлаб чиққан бўлсалар, ҳам, матбуот Ғарбий Европадаги қудратли ҳарбий-саноат комплекси «Эврика» программасидан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ўринаётганлигини тез-тез ёзмоқда.

⊙ САН-ФРАНЦИСКО. Калифорния қонун чиқарувчи мажлиси аъзоларидан бир группаси АҚШ маъмуриятининг зарбдор космик қуроллар яратиш планини ишлаб чиқиши ва амалга оширилишига қарши норозилик билдирди. Баёнотда «самовий урушлар» программаси халқаро кескинлик кучайишига, ядровий қуролланиш янги давраси бошланишига, термоядро ҳалокати хавфининг кучайишига олиб бориш таъкидланади.

Португалия меҳнаткашлари 1974 йил революциясининг демократик ғалабаларини ҳимоя қилишга, республика конституция ҳуқуқларини сақлаб қолишга астойдил аҳд қилганлар. Чунки ўнг кучлар бу республиканинг революцион ютуқларни бўғиб ташлашга уриниб кўрмоқда. Минглаб португалияликлар эса мамлакатнинг кўплаб шаҳарлари кўчаларига чиқиб, ишсизликнинг кўпайиб боришига қарши, турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш учун, иш ҳафтасининг давомийлигини қисқартириш учун намойиш ўтказмоқдалар.

СУРАТДА: Лиссабон меҳнаткашларининг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашига бағишланган намойиши.

Г. Петров фотоси. ТАСС.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА

ЖАНГОВАР, КУРАШЧАН АТЕИЗМ УЧУН

«Партия дунёни илмий материалистик тушуншни кенг ёйиш, диний хурофотларни бартараф этиш учун динга ишонувчиларнинг ҳис-туйғуларни таҳқирланишига йўл қўймаган ҳолда ғоявий таъсир воситаларидан фойдаланади. Партия виждон эркинлигининг Конституцияда белгиланган гарантияларига оғишмай риоя қилинишини ёқлаб, диндан жамият ва шахс манфаатларига зарар етказадиган ҳолда фойдаланишга уринишларни қоралайди. Кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, уларни маърифатли қилиш, янги совет маросимларини ва одатларини кенг ёйиш— атеистик тарбиянинг энг муҳим таркибий қисмидир.

Коммунистик партия ғоя ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига қарши, кишилар онгида ва хулқ-атворида сақланиб келаётган ўтмиш сарқитлари билан, шунингдек, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги амалий ишларда рўй бераётган камчиликлар билан, етилган проблемаларни кечиқиб ҳал этиш билан боғлиқ барча салбий ҳодисаларга қарши кураш билан чамбарчас боғлиқдир».

(КПССнинг янги таҳрирдаги Программасидан).

Фрунзе райони корхоналари ва муассасаларининг атеистларидан бир группаси. Т. Каримов фотоси.

ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

«Тошкент оқшоми»нинг «Амалий учрашувлар» даврасида

— КПСС XXVII съезди қабул қилган сиёсий ҳужжатларда мамлакатимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим вазифалари белгилаб берилди. Партиямиз бу вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни инсон омили аҳамиятини ошириш билан чамбарчас боғламоқда.

Жаҳонда бири-бирига қарама-қарши бўлган икки система ўзида акс эттирган икки дунёқараш ўртасида қизғин кураш бормоқда. Биз бу борада коммунистик ғояларни сохталаштирувчиларга қарши зарба беришга қолмай, балки буржуазия идеологиясига қарши кураш олиб боришга, унинг илмий асоссизлигини ишонарли фош қилишга, марксчи-леннинчи назариянинг софлигини ҳимоя қилишга даъват этилганмиз.

Партия меҳнаткашларни атеистик руҳда тарбиялашга катта аҳамият бериб келмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари ва уларнинг таъсирчанлиги катта аҳамият касб этади. Динга берилган кишилар ўртасида олиб борилаётган пропагандани ҳеч қачон сусайтирмаслигимиз керак. Империализмнинг идеология марказлари ғўё СССРда «инсон ҳуқуқлари бузилмоқда» деган ҳар хил уйдирмаларни асоссиз ёғдирмоқда. Биз, атеистлар, СССРда Конституцияда белгилаб берилган виждон эркинлигини ҳеч қачон бузилмаганлигини қомил ишонч билан айтамиз. Бизнинг иш методимиз эса ишонтириш, пропагандага асосланган.

Ҳозир шаҳримиз янгича урф-одатлар шаҳрига айланиб қолган. Унда оммавий сайллар, корхоналар ва ташкилотларнинг коллектив дам олишлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва уларнинг оила аъзолари билан учрашувлар қизиқарли ташкил этилмоқда.

Бироқ диний маросимлар ва иллатларга барҳам беришда бу тадбирлар камлик қилади. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида бир қатор партия ташкилотлари атеистик пропагандани такомиллаштиришда юзакичиликка йўл қўяётганлиги кўрсатиб ўтилди. Пойтахтнинг Фрунзе районидан ҳам бундай мисолларни келтириш мумкин. Район партия комитети 80 та меҳнат коллективида атеистик пропаганданинг аҳволини текширди. Натижалар шуни кўрсатдики, ана шу масала бўйича районда ҳамма жойда ҳам илмий асосланган, бир мақсадга қаратилган иш тартиби йўлга қўйилмаган. Райондаги 214 партия ташкилотидан атеистик тарбия масалалари кўриб чиқилган. Айни пайтда Тошкентда мавжуд бўлган 26 диний муассасанинг еттитаси район территориясида жойлашган. Уларнинг жорий ҳисобида юз минг сўмлаб пул бор. Бу пулларни совет граждан-лари ўз ойликларидан масжидларга эҳсон қилганлар. Ваҳоланки, ана шу кишилар бу пулларни ўз оилаларининг моддий фаровонлигини яхшилашга сарф этишлари лозим эди. Бунинг устига бундай динпараст кишилар хонаси келганда ёшларни ҳам ўз ортидан эргаштирмоқда. Ёшлар бўш вақтини маданият ўчоқларида ўтказишдан ҳоли қолмоқда.

Партиямиз XXVII съездида тарбиявий ишларга юзаки ёндошиш қоралаб ўтилди. Бу борада атеистик пропаганда олдига ҳам қатор вазифалар қўйилди. Районда атеистик пропаганда ҳамма вақт ҳам динга ишонувчилар ва диний одатларга қарши курашишга қаратилган эмас. Масалан, суҳбатлар хом-хатала, юзаки тайёрланади. Адрессиз пропаганда ҳеч қачон нишонга бориб тегмайди. Чунки бу пропаганда аҳоли ўртасида диний қарашларни ҳеч қандай тўсиқсиз тарғиб қилаётган аниқ кишиларни қамраб олмайди. СССР Конституцияси тўла виждон эркинлигини кафолотлайди, Бироқ у атеизмнинг тўлиқ эркинлигини ҳам эълон қилган. Нима учун биз ўзимизнинг Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқларимиздан оқилона фойдаланмаймиз?

Диний урф-одатлар, маросимлар авж олаётган жойларга дарҳол керакли тўсиқ қўйиғмоғимиз керак. Бизнинг атеистик пропагандамиз бир мунча бўшашганлигини қуйидаги фактлар ҳам кўрсатиб турибди. Ўтган йили Фрунзе районида «Билим» жамияти лекторлари динга қарши мавзуларда 140 га яқин суҳбат ўтказдилар.

Бу суҳбатлар 300 корхона, муассаса ва ташкилотда бўлиб ўтди. Ахир олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедраларида 300 дан ортиқ ўқитувчи ва профессорлар бор. Етарли пропаганда қудратига эгамиз. «Билим» жамиятидан ташқари Тошкент давлат педагогика, тўқимачилик ва енгил саноат, театр ва рассомчилик санъати институтлари ректорлари ва партия комитетлари секретарлари бу борада амалга оширишлари лозим бўлган етарли вазифалар бор.

Район «Билим» жамияти правлениесининг ўзи ҳам бу борада жиддий танқидга сазовордир. Лекторларнинг суҳбатлари кўпинча юзаки бўлади. Бу суҳбатлар жуда ҳам жўн исботлардан иборат. Улар ўзларининг бундай мазмунсиз суҳбатлари билан тингловчиларни ғоятда зериктиришади.

Яқинда пойтахтнинг Фрунзе районида КПСС XXVII съезди қарорлари асосида атеистик тарбияга партия раҳбарлиги иш услуби ва методларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган актив бўлиб ўтди. Бугун «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газета редакцияларининг «Амалий учрашувлар» даврасида атеистик пропаганданн фаол олиб боришда қатнашаётган турли касб эгалари учрашиб, ана шу масала бўйича ўз фикр ва мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шундай қилиб сўз меҳмонларга.

Т. ИСКАНДАРОВ,
Фрунзе район партия комитетининг секретари.

Чунки тингловчилар лектордан мавзунинг асл моҳиятига атрофлича етиб боришни талаб қилишади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида жамоат касблари факультети ишлаб турибди. Бундан ташқари икки йиллик атеистлар мактаби ҳам бор. Бу мактабнинг битирувчилари қаерда ва улар нима иш билан банд бўлишмоқда, деган саволни беришга ҳақлимиз. Нима учун биз ана шу битирувчиларни идеологик курашимизнинг олдинги сафларида кўрмаётирмиз. Ахир маориф ходими — бу бевосита маърифатпарвардир! Нима учун олий ўқув юртининг партия ташкилоти атеистик фронт учун тайёрланган бирорта жангчини студентлар орасидан таклиф этмаётир?

Бироқ атеистик пропаганда —ғоятда кенг тушунчадир. Бу ишда фақат лекторнинг суҳбатини ўтказиш билан кифояланиб бўлмайди. Бу ерда бутун совет турмуш тарзининг моҳиятини кенг тарғиб этиш билан боғлиқ бўлган атрофлича ёндошув керак. Турмушимизга йил сайин сингиб бораётган янгича урф-одатлар ва маросимларни кўпроқ ва янада сермазмун қилиб ўтказишга алоҳида эътибор бермоғимиз керак. Нима учун ҳаётда юз берадиган қувончли ва қайғули дамлар — чақалоқ туғилиши, келин ва қуёвнинг оила қуриши, яқин кишисининг вафоти муносабати билан муллага ёки диндорга мурожаат этилади? Кўпинча бундай мазмунда жавоб эшитамиз: «Ўрганиб қолганмиз, ота-бобомиздан қолган расм-русум». Ана шунинг учун ҳам биз ўзимизнинг совет анъаналаримизни бундай маросимларга қарши қилиб қўймоғимиз керак. Шакл жиҳатдан ёрқин ва ҳаяжонли, мазмун жиҳатдан чуқур ва аҳамиятли, инсон хотирасида бир умр сақланиб қоладиган тадбирларни кенг кўламда ўтказишга кескин киришадиган вақт аллақачон етиб келди.

Бу борада Фрунзе райони меҳнатчиларида айрим ибратли тажрибалар ҳам тўпланган. Масалан, «Конституция» маҳалла комитетининг иш фаолиятини олиб кўрайлик. Бу ерда ҳар бир иш «ҳа бўл, ҳа бўл» қабилида эмас, балки олдиндан ўйлаб пиштилган план асосида олиб борилади. Бу ишларга жамоатчилик совети раҳбарлик қилади. Советга партия ходимлари, оқсоқоллар, врачлар, педагоглар аъзо қилиб киритилган. «Тўйларимиз қандай ўтказилмоғи лозим?» деб номланган мунозара барча маҳалла аҳлининг диққат-эътиборини қамраб олди. Бундан ташқари «Оналаримизчи шарафлаймиз», Чин қалб-дан», «Бувижонимнинг байрами» кечалари ҳаммага оламолам завқ бағишлади. Болаларни ҳимоя қилиш куни чинакам байрамга айланди. Унда болалар боғчалари ва 72-мактаб тарбияланувчилари ўзларининг бадиий ва техник ижодиётини намойиш қилиб барчани мамнун этишди. Янги туғилган чақалоқларни тантанали рўйхатдан ўтказиш, спиртли ичимликларсиз никоҳ тўйларини ташкил қилиш, паспортларни тантанали топшириш, армияга кузатиш каби маросимлар маҳалла аҳолисига ғоятда манзур бўлмоқда.

Атеизм музейининг «Ўтмиш сарқитларига ўт очайлик!» деб номланган кўчма кўргазмаси диний сарқитларга қарши янги турмуш тарзини ғов қилиб қўя олган ана шу маҳаллада намойиш этилиши мақсадга мувофиқ бўлди.

Бу тажриба ҳақида ижодкорона фикр юритиб уни янада такомиллаштиришимиз ва бойитишимиз, умуман райондаги барча маҳаллалар аҳолисининг мулкига айлантиришимиз керак.

Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, жамоатчилик ва турар жойлар бўйича қилинаётган барча ғамхўрликларни тўғри ҳис қилаётган кишилар бундай замонавий маросимларга бажонидил билан боришмоқда. Бундай тадбирларни Абдулла Авлоний номидаги, «Обувная», «СССР 50 йиллиги» сингари маҳаллаларда нуроний отахон ва онахонларимиз шакллантиришда яқиндан ёрдам бермоқлари керак.

Юзакичиликка барҳам берайлик

Л. САИДОВА,
73-ўрта мактаб директори.

—Баъзан «Бу қандай гап? Ишониб бўлмайди» деган таъна сўзларни айтишга мажбур бўламиз. Биз ён-атрофимизга бефарқ, юзаки қараганлигимиз натижасида бундай ташвишли фикрлар келиб чиқади. Кимдир худога ишонармиш, деган гапга мутлақо аҳамият бермай кетаверамиз. Ёш келин ва куёвлар масжидга борнб, мулланинг ҳузурида никоҳ ўқитишади. Ана шунга ҳам аҳамият бермаймиз. Бу хўжакўрсинга, ота-оналар учун керакли, деган нотўғри фикрга борамиз.

Мен суҳбатимни нима учун ана шу мисолдан бошладим? Демак ана шу кишилар ўқиган мактабларда,. афтидан атеистик пропаганда масаласи етарли даражада йўлга қўйилмаганлигини кўрсатади. Мактаб ўқувчиларини атеистик руҳда тарбиялаш масалаларига аввало ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ҳар бир дарс, ҳар бир фан сабоғи, мактабдан ташқари барча тадбирлар у ёки бу маромда марксча-леннича ғояларнинг янада қарор топмоғига хизмат қилиши нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак. Мамлакатимизнинг келгусидаги истиқболи ҳозирги ёшларимизнинг қандай кишилар бўлиб тарбияланмоғига боғлиқ. Мактаблардаги барча тарбия ишлари ёшларнинг яхши билимли, меҳнатсевар, юксак ахлоқли, ғоявий эътиқодли, ўз она-Ватанини чексиз севиш руҳида тарбиялашга қаратилмоғи керак.

Чинакам дил сўзи

М. КИРОВСКАЯ,
Тошкент совет савдоси техникуми партия ташкилоти секретари ўринбосари.

— Биз ҳар бир сўзни чинакамига чин дилдан айтмоғимиз, ҳар бир тадбирни садоқат билан ўтказмоғимиз керак. Ана шунда одамлар сенга ишонади, улар ортингдан эргашади. Бизнинг техникумда билимлар рамзий калити топшириш билан билимлар кунини ўтказиш, касб, мардлик дарслари, атеизм кунларини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Хотира кунига бағишлаб «Ҳалок бўлганлар ва барҳаётлар», «Ҳалок бўлганлар хотирасига содиқ бўлайлик» музикали-поэтик композициялар тайёрланди. Бизнинг ўқув масканимизда ёшларни атеистик руҳда тарбиялашнинг асосий йўналишида бундай тадбирларни ўтказишдан ташқари Тошкент планетарийсида қизиқарли машғулотлар олиб бориш ҳам қамраб олинди. Педагогларимиз атеистик тарбия бўйича талай адабиётларни тўплаганлар. Химия фанидан «Мўъжизасиз мўъжизалар» конференциясини ўтказиб туришади.

Бироқ ишимизда ҳамма нарса силлиқ боряпти, деб бўлмайди. Болаларни тарбиялаш — оилада ўзаро муносабатлар тўғрисида масалаларни ўртага жуда ҳам кам қўйяпмиз. Агарда ўқувчи ёмон ўқиётган бўлса унинг оиласида бирорта кўнгилсиз ҳодисалар юз бераётгандир ёки ўсмир «тарбиясиз» болалар даврасига қўшилиб кетгандир. Ана шу масалалар бизни биринчи навбатда ташвишлантирмоғи керак. Болалар тарбияси масаласини ҳаётнинг ўзи биринчи ўринга қўймоқда. Ёшларга кўп насиҳат қилгандан кўра, уларнинг ҳаётдаги иштироки, меҳнатдаги ютуқлари масаласини муҳокама қилиш муҳимроқдир.

Ёшларни атеистик руҳда тарбиялашда санъатнинг улуғвор қудратидан ҳам ўринли фойдаланиш керак.

Ёш авлодни муносиб тарбиялашда оиланинг аҳамияти бебаҳодир. Болани ёшлигидан бошлаб меҳнат ҳаётнинг асоси эканлиги, ота-оналарнинг касб-кори ва ижтимоий чиқиши ҳақида тўғри тушунтириш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай оилаларда меҳнатчи сулолалар юзага келади. Ҳаётда фақат оила ва жамият ёш инсонни муносиб тарбиялай олади. Биз ёш авлодни ватанпарвар, она-Ватанни чексиз севадиган руҳда тарбиялашимиз шарт. Биз учун ёт бўлган қарашлар ва иллатлар, маънавий қашшоқлик ва мешчанликка қарши ҳамиша жанговар кураш олиб бормоғимиз керак.

Янгича маросимлар — ҳаёт кўрки

Х. НЕЪМАТОВ,
«Конституция» маҳалла комитетининг раиси.

— Жамиятнинг ижтимоий-маданий жараёни совет турмуш тарзига ёт бўлган барча иллатларга қарши қатъий кескин курашга қаратилган маънавий маданиятнинг мазмуни ва моҳиятини бойитиш ва уни ҳар томонлама такомиллаштириш билан белгиланади.

Оила—жамиятнинг керакли ва кичик ўчоғидир. Шунинг учун ҳам атеистик тарбия ҳақида фикр юритганимизда худди биз яшаётган ва ҳаёт кечираётган жойда бу иш доимо олиб борилаётганлигини унутмаслигимиз керак. Маҳалламизда бу борада олиб борилаётган ишнинг самарали шаклларидан бири жамоатчилик советидир. Унинг иш режалари тарбиянинг долзарб ва муҳим проблемаларини қамраб олган. Она учун дунёда фарзанддан азиз нарса йўқ! У хонадонда ҳамиша яхшилик уруғларини сепади. Ана шунинг учун ҳам янгича маросимларни ташкил этиш ва ўтказишда биз кўпроқ кўп болали оналар, уй бекаларини жалб этаяпмиз. Бу тадбирлар спиртли ичимликларсиз ўтказиладиган никоҳ тўйлари ва чақалоқларни тантанали рўйхатдан ўтказиш, авлодларнинг самимий учрашувлари каби маросимлардир.

Маҳалламизда аҳолини атеистик руҳда тарбиялаш борасида кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ ўзига хос муаммолар ҳам бор. Масалан, агарда қулай бино бўлса илмий атеизм университетини ташкил этишимиз керак.

Шу кунларда ажойиб сана — «Ҳужум» ҳаракати бошланганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик кўряпмиз. Бундан олтмиш йил муқаддам бизнинг диёримизда хотин-қизларнинг паранжи ташлашидек муҳим давр бошланган эди. Эндиликда хотин-қизларимиз билимли, меҳнатсевар, болапарвар ва эркаклар билан тенг ҳуқуқлидир. Ана шу ютуқларимизни ёш авлодга сингдириб тушунтириш бизнинг шарафли вазифамиздир.

Ёшлар — ўринбосарларимиз

А. ҚУЛБОЕВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол комитетининг секретари.

— Ёшлар ҳамиша катта авлод ўрнини эгаллайдилар. Бу ерда масаланинг энг муҳими жиҳати ана шу ёшларнинг қандай руҳда тарбия топганлигида, Бугунги кунда касб жиҳатдан яхши тайёргарлиқ кўрган, энг яхши меҳнат ва революцион анъаналар руҳида тарбияланган саводли авлод мустақил ҳаётга қадам қўймоқда. Бу авлод жаҳонда тўнғич социалистик давлатнинг шон-шуҳрати билан фахрланади. Анъаналаримиз ёшлар ҳаётига сингиб бормоқда.

Бизнинг ҳар биримиз учун ҳаётдан муносиб ўрин эгаллаш вазифаларнинг вазифаси ҳисобланади. Бу ўринни топа билиш керак. Ўзинг меҳнат қилиб турган жойда меҳнатнинг дастлабки самарасини кўришинг билан ана шу жой сенинг ҳудди шу ерда жамиятга фойда келтиришинг мумкин эканлигига ишонч ҳосил қиласан. Тўқимачилар маданият саройи билан ҳамкорликда 8, 9, 10, 15, 16-ётоқхоналарда атеистик тарбия бўйича турли тадбирлар, баҳс кечалари, конференциялар ўтказилмоқда. 21-ётоқхонада бўлган «Социалистик турмуш тарзи» мавзуидаги баҳс ҳаммада қизиқиш уйғотди. 9-ётоқхонада эса «КПСС XXVII съезди ва шахснинг ахлоқий тарбияси масаласи» суҳбати ғоятда мароқли бўлди.

Бу йил республикамизда биринчи марта Хотира куни нишонланди. Уша куни ҳамма уюшқоқлик билан бу маросимда қатнашганлигини ўз кўзимиз билан кўрдик. Масалан, комбинатимизда Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик атрофи ораста қилинди, унга гуллар қўйилди. Уруш ва меҳнат ветеранлари билан бўлган саммий учрашувлар ҳар бир кишига манзур бўлди.

Бироқ ёшлар орасида шундайлари ҳам борки, улар эътиқодсиз, ўз олдидаги бурчини ҳис этишмайди, мешчанлик сингари ярамас иллатлар ботқоғига ботиб қолишган. Бундай тоифадаги ёшларнинг тарбияси олдида бефарқ қараб туролмаймиз.

«Амалий учрашувлар» даврасн материалларини А. ПУЛАТОВ ва Э. АДАЙКИНА тайёрладилар.

Янгиликлар, воқеалар, фактлар

АГИТБРИГАДА КОНЦЕРТИ

Москва. СССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкаси фан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданиятда эришилган ютуқларни кўрсатиш ва пропаганда қилишда катта марказ ҳисобланади. Бу ерда Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб мамлакат энг яхши ҳаваскорлик коллективларининг концертлари ўтказилмоқда.

Суратда: Москва шаҳридаги 180-ҳунар-техника билим юртининг агитбригадаси бу кўрикнинг марш-парадида қатнашмоқда.



Г. Хамедьянин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЙЎЛДА ТЕХНИКА ЁРДАМИ

Сиз сафарга йўл олишингиз билан, автомобиль ўз-ўзидан юрмай бузилиб қолди, дейлик. Агарда автомобиль эгаси рулга эндигина ўтирган ҳайдовчи бўлса, ремонт ишида машаққат туғилади. Бунинг учун йўлда техника хизмати кўрсатиш устахонаси барча машаққатларни осон қилади.

Диспетчерга қўнғироқ қилишингиз билан бир соат ичида «Автолетучка» айтилган жойга етиб бораси ва ремонт ишларини бажаради.

Суратда: техника ёрдами станция диспетчери Надежда Фоменкова ҳар куни минглаб саволларга жавоб беришга ҳозир.

Б. Кавашкин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

Тажриба... имтиҳондан ўтди

«Вологда оптика-механика заводи» бирлашмасида бўлиб ўтган имтиҳон бу ерда ЭҲМ операторн ихтисосини ўрганаётган ўнинчи синф ўқувчилари билимларининг синовигина бўлиб қолмади. Биринчи навбатда корхона ёш инженерлари мактаб ўқувчилари учун ишлаб чиққан таълим методикасининг ўзи имтиҳондан ўтди.

Областда ЭҲМда ишлаш кўникмаси бўлган мутахассислар ҳозирча кам — маҳаллий ўқув юртлари бундай мутахассисларни тайёрламаяпти. Шу сабабли ҳам бирлашмада алоҳида истеъдодли мактаб ўқувчилари учун махсус синф ташкил этилди. Тажрибанинг ҳамма қатнашчилари «аъло» баҳо ҳамда ишчи гувоҳномаси олдилар.

Янги усул

Қонни анализ қилишнинг янги — иммуно— фермент усули давлат ихтиролар рўйхатига киритилди. Бу усулни Самарқанд медицина институтининг ўқитувчиси химия фанлари кандидати Д. М. Ивницкий ишлаб чиқди.

Эндиликда врачнинг барча саволларига тез ва аниқ жавоб қайтариш учун лаборантга қоннинг атиги ўндан бир миллилитри кифоя қилади. Янги метод ёрдамида турли дориларнинг бемор организмига таъсирини ҳам аниқлаш мумкин.

Ҳозир Самарқанд олимлари бутуниттифоқ антибиотиклар илмий-тадқиқот институти, А. Н. Бах номидаги биохимия институти ва Тбилисидаги «Аналит прибор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг мутахассислари билан биргаликда ушбу методни такомиллаштириш соҳасида ишламоқдалар.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ЕЗАДИЛАР

Жаҳон шаҳарларида

✦ УЛАН-БАТОР.

Монголия касаба союзлари Марказий советининг бу ерда бўлиб ўтган еттинчи пленумида Монголия Халқ Революцион партияси XIX съезди қарорлари асосида касаба союзлари иш методларини такомиллаштиришнинг актуал масалалари муҳокама қилинди.

Пленум қатнашчилари принципиал позицияларда туриб, ишнинг янги услуб ва методларига дадиллик билан ўтиш тўғрисида гапирдилар, бундан кўзда тутилган мақсад Монголиянинг социал-иқтисодий тараққиётида касаба союзлари ролини оширишдан, унинг активлиги ва таъсирчанлигини янада кучайтиришдан иборатдир. Пленумда Монголия касаба союзлари марказий советининг раиси, МХРП Марказий Комитетининг аъзоси, Баточирин Лувсанцэрэн доклад қилди.

✦ ЛОНДОН.

Буюк Британияда «саморовий урушлар»га қарши кенг жамоатчилик иттифоқи тузилди. Бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида айтилганидек, АҚШнинг «стратегик мудофаа ташаббуси»ни Лондон қўллаб-қувватлашни тўхтатишга, Англия билан Америка ўртасида имзоланган «ҳамжиҳатлик ҳақидаги меморандум» бекор қилинишига эришиш — шу иттифоқнинг мақсадидир. Иттифоқ космосни ҳарбийлаштиришга қаратилган ҳар қандай тадбирларга қарши чиқмоқда. Иттифоққа 20 дан ортиқ урушга қарши машҳур ташкилот, жумладан ядровий қуролсизланиш учун кураш ҳаракати, ядро қуролларига қарши курашувчи олимлар, «Гринпис» ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар кирди.

✦ ЖАЗОИР.

Жазоирда чиқадиган «Аш-Шааб» газетаси Африка қитъасидаги мамлакатларни иқтисодий жиҳатдан батамом қарам қилиб қўйиш ва шу тариқа уларни ўз сиёсий йўлини ўзгартиришга мажбур қилишга интилаётган империалистик давлатларни қоралади.

Газета Африкадаги танг иқтисодий аҳволни кўриб чиқиш учун чақирилган БМТ Бош Ассамблеяси махсус сессиясининг якунларини таҳлил этиб, АҚШ ва унинг иттифоқчилари қаттиқ қурғоқчилик натижасида зарар кўрган қитъадаги миллион-миллион аҳолига зарур ёрдам беришдан бўйин товладилар, деб ёзди. Оқ уй вужудга келган аҳволдан Африка халқларининг иродасини букиш, уларни ўз ҳукмига бўйсундириш учун фойдаланишга уринмоқда. Империализм иқтисодий воситалар билан ўзининг ғаразли мақсадига эришса олмаган тақдирда, у ҳарбий куч ишлатиши мумкин, деб уқтиради «Аш-Шааб» газетаси.

ЭКОВАС конференцияси

ЛАГОС.

Нигериянинг Абужа шаҳрида Ғарбий Африка мамлакатлари иқтисодий ҳамжиятининг (ЭКОВАС) давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасидаги конференция иш бошлади. Бу конференцияда Африкадаги 16 мамлакат вакиллари қатнашмоқда.

Нигерия президенти Иброҳим Бобангида учрашувни очиб, Ғарбий Африкадаги табиий офат жабрдийдаларига ёрдам фонди тузишни таклиф қилди. У алоқа регионал системасини тузиш ва транспортни ривожлантириш соҳасида илгари қабул қилинган лойиҳаларни бажариш борасидаги куч-ғайратларни зўрайтиришга даъват этди.

ИШСИЗЛАР АРМИЯСИ

✦ Венесуэла акваториясининг сув ости қудуқларидан биринчиг техникавий носозлиги сабабидан силқиб чиққан нефть билан булғаниши натижасида Маракайбо кўлида овчилик қилувчи беш мингга яқин балиқчи вақтинча ишдан маҳрум бўлди.

Нефть кўл юзини ва атроф пляжлари — чўмилиш жойларини қалин қатлам бўлиб қоплади. Миллионлаб балиқ ва паррандалар нобуд бўлди.

***

✦ Японияда май ойининг ўзидаёқ 1,620 миллион киши ишсиз эди. Мамлакатда меҳнатга лаёқатли аҳоли 2,7 процентни ташкил этади. Бугунги кунда иш билан банд бўлиш соҳасидаги аҳвол тўғрисда ҳукумат мана шу рақамларни эълон қилган. Японияда ишсизлар сони ўтган йилга қараганда 90 минг кишига кўпайган.

***

✦ Португалияда эса йил бошидан ҳозиргача ишсизлар сони 714 минг киши бўлган ва у кўпайиб бораётир. Маълумотларга кўра, Португалияда «ортиқча кишилар» сони ярим миллион кишидан иборат.

МАМЛАКАТДА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ЛОЙИҲАСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ.

«ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҚОИДАСИ ДОИМО ТАКОМИЛЛАШТИРИЛСИН, КОНКУРС ЙЎЛИ БИЛАН ТАНЛАШ ХОЛИСОНА БЎЛИШИ ОШИРИЛСИН».

(КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳасидан).

Етук кадр— етакчи куч

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти республикамизда йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Бу ердан ҳар йили минглаб мутахассислар республика халқ хўжалигидаги турли соҳаларга, қурилиш ва саноат корхоналарига йўлланма оладилар. Олий мактабни қайта қуриш ҳақидаги лойиҳада кадрларни ишлаб чиқаришга етук тарзда тарбиялаш муҳим эканлиги алоҳида қайд этилган. Шу маънода институтни битирган малакали кадрлар партия ва ҳукуматимизнинг КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улуғвор программасини амалга ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшадилар. Штатсиз мухбиримиз институт қабул комиссиясининг масъул секретари, техника фанлари доктори, профессор Ҳ. З. РАСУЛОВдан институтга студентлар қабул қилишдаги янгиликлар ва ёш кадрлар етиштириш ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Ҳамма соҳада бўлганидек, — деди Ҳаёт Зоҳидович, — КПСС XXVII съезди олий ўқув юртлари олдига ҳам аниқ ва конкрет вазифалар қўйди. Бу йил мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларида абитуриентларни институтга қабул қилишнинг янги қоидалари ишлаб чиқилди. Шунга кўра, масалан, ТошПИга кирмоқчи бўлган йигит ва қизлар бу йил аввалги йиллардагидек тўртта фандан эмас, балки учта фандан (математика ёзма, физикадан ёзма, она тилидан иншо) кириш имтиҳонлари топширадилар. Институтнинг химия-технология факультетига кирувчилар эса, физика ўрнига химиядан оғзаки, архитектура факультетида расм ва чизмачиликдан имтиҳон топширадилар. Тўртинчи имтиҳон, айтиш мумкинки, бу ўзига хос синов ҳисобланади. Яъни, барча факультетларда касб танлаш юзасидан суҳбат ўтказилади.

— Ана шу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз.

— Бажонидил. Бунинг маъноси шуки, институт факультетлари қошида касб танлаш бўйича комиссиялар тузилган. Бу комиссиялар имтиҳон комиссияси ҳуқуқига эга бўлиб, унга факультет декани раислик қилади. Айни вақтда унга мутахассислар тайёрлайдиган кафедра вакиллари, спортнинг техникавий турлари бўйича юқори малакага эга бўлган ўқитувчи, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларидан вакиллар иштирок этади. Комиссиянинг вазифаси факультетга ҳужжат топширган абитуриентлар учун улар билан касб танлаш бўйича суҳбат ўтказишдир.

Комиссия суҳбат натижасига асосланиб ўқишга кирувчига қайси мутахассислик, факультет ва олий ўқув юрти мос келиши ҳақида маслаҳат беради, абитуриентларнинг маълум соҳада эришган ютуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар билан танишиб, унга қўшимча баллар бериш тўғрисида муайян хулосалар чиқаради. Шу билан бирга, факультетнинг касб танлаш комиссияси ўрта мактабни олтин ёки кумуш медаль билан, ўрта махсус, ҳунар-техника билим юртларининг имтиёзли диплом билан тугатган ёшларни институтда бошқа баъзи мутахассисликлар бўйича кириш имтиҳонларисиз қабул қилишни тавсия этиши ҳам мумкин. Кўриниб турибдики, суҳбат усули бўлажак мутахассисни у ёки бу соҳага йўналтиришда бир қанча ижобий фазилатларга эга.

— Касб танлаш бўйича суҳбат ўтказганда қайси бир абитуриентларга қўшимча баллар берилади, уларнинг алоҳида имтиёзлари нималардан иборат?

— Аввало шуни айтиш керакки, абитуриент қўшимча балларсиз ва касб танлаш комиссиясининг тавсияномаси бўлмаган тақдирда ҳам кириш имтиҳонларини топшириш ва конкурсда қатнашавериши мумкин. Аммо, халқ хўжалиги тармоқларининг хизмат кўрсатган ишчилари, хизмат кўрсатган рационализатор ва ихтирочилар, «СССР ихтирочиси» ёки «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби» нишони билан мукофотланганлар, техника ижодкорлиги кўриги ғолиблари, спортнинг техникавий турлари бўйича ғолиблар, мастерлар қўшимча баллар олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

— Энди бошқа бир савол билан мурожат қилишга рухсат бергайсиз. Маълумки, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Снёсий докладида студентларни таълимнинг дастлабки йилларидан бошлаб тадқиқот ишларига кенг жалб этиш, бинобарин, бу ишнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда қатнашиш зарур, дейилади. Бу борада институтда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Институтнинг ҳар бир факультетида студентлар илмий совети ишлаб турибди. Уларнинг иш якунлари факультет ва институт катта Советида кўриб борилади. Институтимиз кўп қиррали бўлгани сабабли унда олиб бориладиган илмий ишлар ҳам турли-туман назарий ва илмий практик тарзда олиб борилади.

Студентлар илмий изланишларининг якуни ҳар йили институтда ўтказиладиган илмий-назарий конференцияда якунланади. Айниқса, студентлар томонидан ишлаб чиқилган илмий ечинмаларнинг халқ хўжалиги турли тармоқларига жорий қилинаётгани диққатга сазовордир. Масалан, химия-технология факультетини олиб кўрайлик. Студентлар биринчи курсданоқ илмий ишларга жалб этилади. Факультетда студентлар конструкторлик бюроси мавжуд. Унинг кўпгина актив аъзолари бугунги кунда халқ хўжалиги учун муҳим бўлган ўнлаб илмий ечинмалар учун авторлик гувоҳномасига эга бўлишган. Самолётсозлик факультетида «Парус», «Технолог» деб номланган студентлар конструкторлик бюролари ёш самолётсозларни янги-янги изланишлар олиб боришга илҳомлантирмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда матбуотда эълон қилинган «Мамлакатда олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг Асосий йўналишлари» лойиҳаси институтимизда бу борада олиб борилаётган ишларга янада зўр мазмун бағишлайди. Жумладан, лойиҳада «Олий мактаб халқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлаш манбаи бўлибгина қолмай, шу билан бирга мамлакат илмий тадқиқот комплексининг муҳим таркибий қисми ҳамдир» дейилади. Зеро, партиямизнинг ана шу ғоят муҳим ва ҳаётий хулосаларидан келиб чиқиб, биз етук мутахассислар тарбиялаб етиштириш, ўқув-ўқитув ишларининг сифатига, студентларни дастлабки йиллардан бошлаб изланувчан, ҳар томонлама мукаммал кадрлар бўлиб етишишлари учун бутун куч ва билимларимизни аямаймиз.

Суҳбатни Э. ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ОТА-ОНА— ЮЛДУЗ ЙЎЛЧИ
ЕШЛИК— ГУЛ ДАВРИ ҲАЁТНИНГ
УЙ-РУЗҒОР ПАРИ ЮМУШ-
САРАТОН РИДА КУНЛА-

Ахлоқ-одоб мавзуида

ЛОҚАЙДЛИК—АЧЧИҚ ПУШАЙМОН

Ҳаёт — меҳнат билан гўзал, деймиз. Шу билан бирга унинг ўзига хос мураккаблиги ва ножўя ҳаракатларга нисбатан бешафқатлиги ҳам бор. Бу ҳақиқатни баъзан фаҳмламай қолсак, хатоимиз жабрини тортамиз.

Хўш, нега шундай? Очиғи биз баъзи масалаларда лоқайд бўламиз. Фақат бугунги, ҳозирги роҳатимизни ўйлаймиз-у, кейини билан ишимиз бўлмайди. Борди-ю, келажагимизни ўйласак ҳам, барибир ҳозирги нақдига бўлган зўр иштиёқимиз устун келади, у ёғи бир гап бўлар, деб кўя қоламиз. Аслида бутун иллат мана шунда.

Афсуски, фаровон, тўкин ҳаётимиз қадрига етмаётган, тўғриси, тўқликка-шўхлик қилаётган калта ўй тоифалар орамизда учраб қолмоқда. Айрим ёшлар башанг кийинишни, зеб-зийнатга кўмилиб, «аканг қарағай» бўлиб юришни истайди, «роҳат-фароғат» билан кун кечиришга берилади-ю, меҳнатни эса ортиқча даҳмаза деб билади. Меҳнатни бошқалар қиларверсин, дейишади сурбетлик билан. Текшириб кўрилса, бу тоифа ёшларнинг ота-оналари кўпинча нопок текинхўрлик билан кун кўраётган кишилар бўлиб чиқади.

Яна бир мактубни ўқиб, баъзи ёшларнинг тошмеҳр, ҳаётга лоқайд эканликларига ачиндим. Шу мактубни тўла келтираман:

«Ўз онаси билан яшашга ор қиладиган бетамиз қизни биринчи бор кўриб турибман, — деб куйиниб ёзади М. Зайниддинова. — Бу дугонам билан кўпинча бирга эдим. Уни зийрак, ақлли, билимдон, маданиятли қиз деб ўйлардим. Бир зарурият билан уйига бирга бордим-у, бу ўйлаганларим сароб бўлиб чиқди. Барно (дугонамнинг исми) дарвоза ва эшикларни тарақлатиб очиб кирди-да, ўринда ётган ойисига буюрди:

— Бошқа хонага ўтиб ётинг, меҳмон келди.

Ойиси касал эди, уни кутиб ётган экан. Илтижо оҳангида деди:

— Она қизим, мени касалхонага ётқизмасанг бўлмайди, мазам кетаяпти...

— Шу гап ўлгурни меҳмон йўқ пайтда айтсангиз ҳам бўлади-ку. Сизнинг оҳ-воҳингиз унинг асабига тегмайдими, — дея бобиллаб берди Барно.

Қараб турибман, кампирнинг юзини кўз ёшлари ювди-ю, жим қолиб кўзини юмди. Мен бунга чидай олмадим.

— Садқан одам кет, Барно, — дедим. — Қарашвор, ўзим обораман.

— Жиннимисан? — дея чўрт кесди Барно. — Ойим ўзлари шунақалар, ваҳимачи бўлиб қолганлар. Юр, кетдик, репетициягa кечикяпмиз-ку.

— Ўзинг кетавер, мен бормайман, — дедим.

Барно кетди. Мен эса «Тез ёрдам» чақириб, бемор кампирни касалхонага жойлаб келдим. Кейин ҳам хабар олиб турдим.

Шуниси алам қилардики, бемор ҳар гал қизини сўрар, соғлиғи, ўқишини суриштирар, соғинч тўла кўзларидан ёшлар оқизиб, товушсиз йиғларди. Мен эса эзилардим. Барно мени ҳақоратлаб кетганича, кейин гаплашмай, тўғриси, қочиб юрди. Бунн ойисига айта олмасдим, албатта. Соғайгач, уни касалхонадан яна ўзим олиб чиқдим. Нобакор қиз бир ярим ой ичида ойисини кўрганн бир марта ҳам бормади-я...».

Ахир, бу қандай бетамизлик, шармандалик, беҳаёлик!? Инсон боласи ҳам ўз онаизорига шу қадар бефарқ, тошмеҳр бўладими? Барнонинг онаси уни вояга етказгунча бунчалик лоқайдлик, тошмеҳрлик қилмаган бўлса керак. Қизини ювиб-тараган, емай-едирган, кийнмай-кийдирган, шунчалик камолотга етказган меҳрибон онага оқибат шу бўлдими?

Ў. Мукаррамов ёзган хатда айтилишича, Наргиза исмли қиз ота-онасини ҳам, ўзини ўқитган институт раҳбарларини ҳам, таниш-билиш ва қариндошларини ҳам алдаб, ўқияпман, ишлаяпман деркан-у, вақтини бемаъни нарсаларга сарфлаб юраверраркан. Турқи-таровати ўзгариб кетганини кўрган ота-онаси (обрўли жойда ишлашади) ташвишланиб, текшириб кўриш учун институтга боришади. Ў ерда Наргиза курсда қолганини, дарсларда иштирок этмаётганини айтишади. Афсусланадиган жойи шундаки, қайсидир мактабда ишлаётгани ҳақида институтга қалбаки справка элтиб берган, ота-онасига эса ишлаяпман, деб юрган (у кечки бўлимда ўқирди).

Хўш, болада бундай субутсизлик, ҳаётга енгил-елпи қараш иллати қаёқдан пайдо бўлади? Боланинг ноқобил бўлиб қолишида, аввало ота-она айбдор ҳисобланади. Текширганимизда она бола тарбияси масаласига бефарқ қарагани маълум бўлди.

Афсуски, ўз манфаатини кўзлаб халққа ва давлатга катта-катта зиён етказаётган кимсалар орамизда йўқ эмас. Бундай тоифадагилар, ҳатто тарбия соҳасидаги кишиларда ҳам учраб қолишига нима дейиш мумкин?

Биз баён этган фактлар оз бўлса-да, ҳаётда учрайди. Бироқ унинг зиёни катта. Негаки, худбинлик, шахсиятпарастлик юқумли касалликка ўхшаб тез тарқалади. Худбин оилада фарзанд ҳам худбин бўлади. Шуни унутмаслик керак.

Баъзи ота-оналар ўғил-қизларини яйратиб-яшнатиб қўйиш учун пул, маблағ билан таъминлаб, талтайтириб, бемаъни йўлга киришларига йўл очиб берганларини сезмай ҳам қоладилар. Бундай кимсалар ўзларига ғамхўрлик қилиб, фаровонлиги учун ҳамма нарсани беминнат яратиб берган жамият ва она-Ватанга озгина бўлса-да, кўмак беришни лоақал ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек: «Иш шундай йўлга қўйилсинки, порахўрлар, давлат бойлигини таловчилар, тамагирлар, ташмачилар ҳамда жамият ҳисобига бойлик орттиришга ружу қилган бошқа кимсалар ялпи нафратга дучор этилсин, улар ўз қилмишлари учун муқаррар жазоланишларини билсинлар».

Ота-оналар, педагоглар, кенг жамоатчилик ёшлар тарбиясига ўта зийраклик билан ёндошишлари, бу масалада ҳеч бир лоқайдликка йўл қўймасликлари керак. Ҳозирги замон ёшлари она-Ватан фахри, қудрати, чинакам коммунизм қурувчилари бўлиб етишишида ҳаммамиз бурчлимиз.

Собир ЖУРАЕВ.



Сўлим шаҳримизда саратон ҳарорати авжига кўтарилса ҳам яшил боғ-хиёбонлар кишиларга соя-салқин ором бағишлайди. Оқшом пайтлари сайрғоҳларда дам олиб ҳордиқ чиқаришнинг ўз гашти-сурури бор.

Биринчи суратда: она билан бола роҳат қилиб ўтиришибди. Иккинчи суратда: дугонаҳар хиёбон оғушида дардлашиб дам олишаяпти.

Х. Мирзакаримов фотоэтюдлари.

Билиб қўйган яхши

Фойдали маслаҳатлар

▲ Укроп, петрушка, кашнич, сельдерларни полиэтиленли халтачага солиб, холодильникда ёки салқин жойда сақланса анчагача янгидек туради.

▲ Қайнатилган сабзавотларнинг пўстлоғини иссиғида артиш осон бўлади. Уларни бўтқа (пюре)га айлантириш ҳам иссиғида яхши бўлади.

▲ Сабзавотни овқатга солиш олдида тозалаш керак. Акс ҳолда у бузилади.

▲ Сабзавотни секин қайнатгандан кўра, қопқоғи ёпиқ ҳолда тез қайнатилгани яхши. Акс ҳолда сабзавотдаги витаминлар ўз кучини йўқотади.

▲ Пиёзни қовуриш олдидан озгина унга арағаштириб олинса пиёз ёғда куймайди, ҳам рангини яхши сақлаб қолади.

▲Картошкани қовуриш олдидан қайноқ сувга солиб, бир оз туз сепинг, кейин қовурилса тез пишади ва мазаси тотимли бўлади.

▲Картошкани қизартириб қовуриш учун қозонни яхши қиздириш керак. Картошка қизарганда туз сепинг. Акс ҳолда картошканинг суви чиқиб ёғга аралашади-да, мазаси ва ранги ўзгариб қолади.

ТЕЛЕФОН

(Ҳажвия)

Хотиним ҳайдовчилик касбини эгаллаганига ўн йил бўлган. Мен эса атиги тўрт ҳафта илгари шофёрлик гувоҳномасини қўлга киритдим. Машина ҳам сотиб олдик. Агар бу машина менга шунчалар ташвиш келтиришини билганимда эди... Қисқаси, рулга ўтиришим биланоқ, хотиним лип этиб ёнимга ўтириб олади ва менга дарс бера бошлайди:

— Газни кўпайтир, энди камроқ газ бер, машинани ўнг тарафга ол, энди салгина чапга, эҳтиёт бўл! Ҳу, олдинда одам бор, кўряпсанми? Рўпарадан машина келяпти, тормоз бер! Оббо, бу қанақаси, эски, шалоғи чиққан машина бизни қувиб ўтяпти, йўл берма унга! Бизни қувиб ўтишга ҳаққи йўқ, ахир машинамиз уникидан икки-уч баробар қиматроқ-ку. Тезроқ ҳайда, бўлсанг-чи!

Икки ҳафта давом этган шунақанги дарслардан кейин мен машина сотиб олганимга минг марта пушаймон бўлдим.

Бу қанақаси ахир, уйда менга ғинг деб оғиз очмайдиган хотиним, машинага чиқди дегунча қакаги очилиб кетади. Уйда мен бемалол газета ўқийман, телевизор кўраман, дўстларимга хат ёзаман, баъзан ўзим билан ўзим шахмат ҳам ўйнайман. Хотиним келиб бир оғиз гина қилаяпсан деб сўрамайди. Баъзан овқатланаётганимизда унга бирон нарса десам, у мени ҳатто қойиб ҳам қўяди:

— Бас қилсанг-чи, Иоганнес, бунча кўп гапирасан. Кўрмаяпсанми, жуда чарчаганман ахир.

Уйда шунчалар мусичаибеозор хотиним нега машинага чиқди дегунча серғаб бўлиб кетади? Бу савол мени жуда ўйлантириб қўйди. Ниҳоят калламга бир фикр келиб қолди.

— Эврика! — қичқириб юбордим мен бутун олам тортилиш қонунини топган Ньютон сингари, ҳа, чиндан ҳам анча пайтлардан бери мени қийнаб келаётган саволга жавоб топилган эди.

Ўша куни кечқурун машинамга техниканинг сўнгги ютуқларидан бўлмиш автомат телефон ўрнаттириб олдим. Жуда яхши ўйлаб топилган нарса бу. Йўл-йўлакай шаҳарнинг ҳоҳлаган бурчагига қўнғироқ қилишинг мумкин. Дўстларинг ҳам шаҳарнинг ҳоҳлаган жойидан тўғри сенга қўнғироқ қилишлари ва сен билан гаплашаверишлари мумкин. Уйга қайтгач, бу тўғрида хотинимга чурқ этмадим. Эртасига рулга ўтиришим биланоқ, хотиним ҳар кунги одатича лип этиб ёнимда пайдо бўлди.

— Мотор қизиб олгунча бироз сабр қилишинг керак, эди, — танбеҳ берди у сочларини тўғрилар экан ва бирдан...

— Вой, нима бу? Нима бу, а! — қичқириб юборди у ва трубкага ёпишди.

Шундан бери мен тинчман, хоҳлаган тезликда ҳайдашим, хоҳлаган пайтимда машинани тўхтатиб, у ёқ-бу ёғини тузатиб олишим мумкин. Хотинимнинг ҳеч нарса билан иши йўқ, тонг отиши билан телефонда бошлаган суҳбатни машинада давом эттиради.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

Иоганнес РЕЙСЛЕР

Ёшликнинг толмас қаноти бор. Касб-ҳунарли бўлиш, фан чўққиларини эгаллаб, замонамизнинг етук кишилари қаторига ўтиш — ёшларни куч-ғайратга руҳлантиради.

Катта ҳаёт гулшанига — олий ўқув юртига ўқишга отланган ёшларга омад ёр бўлсин.

С. Маҳкамов фотоси.

Ўсимликлар оламида

ЗАМОНАВИЙ ПАПИРУС

Қадимги Мисрда ихтиро этилган, VII асрнинг иккинчи ярмига қадар юнон ва римликлар томонидан фойдаланиб келинган папирус ҳакида ким эшитмаган дейсиз. Вақт ўтиши билан Нил ёқаларидаги ўтлоқларда ўсган папирус пояларини қайта ишлов бериш йўли билан олинган ёзув ашёси ўрнини ўзгаларига бўшатиб берди. Бироқ, ҳозир Мисрда унча катта миқёсда бўлмаса-да папирус ишлаб чиқариш қайта жонланди. Бунда ўсимликка ишлов бериш ва ундан ёзув ашёсини тайёрлаш борасида тадқиқот ишларини олиб борувчи Папирус институтини ташкил этган доктор Ҳасан Рагабнинг хизмати ўринли.

Замонавий папирусни ишлаб чиқариш учун қадимги усуллар қўлланилди. Бутунлай унутиб юборилган ҳунармандчиликнинг бундай қўлланилиши жуда камёб ҳолат. Ишлаб чиқарилган папируснинг бир қисми туристларга эсдалик учун мўлжалланган.

Чанқовбосди ичимликлар

АЙРОН—ЖОНГА ДАРМОН

Сут ва сут маҳсулотлари саломатликка жуда фойдали эканлиги маълум. Ёз пайтларида кўп ичиладиган айроннинг қандай хосиятлари бор! Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Карима ОДИЛОВА, юрист.

Сутни ҳаёт шарбати, деб бежиз айтишмайди. Унинг фойдали хусусиятларини, киши саломатлигига аҳамияти нақадар катталигини ҳаммамиз биламиз. Ундан олинадиган маҳсулот турлари ҳам хилма-хил. Озиқ-овқат саноатида, шунингдек маҳаллий уй шароитида ҳам сутни ишловлар натижасида ёғсизлантирилган кўпгина турлари олинадики, буларнинг таркиби ва калорияси ўзига хосдир. Шулардан бири саратон кунлари севиб истеъмол қилинадиган айрондир.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам айронни ёзда, айниқса саратон ойининг жазирама иссиқликларида чанқоқни қондириш мақсадида тез-тез истеъмол этиб турамиз. Албатта, бундан кишининг чанқоғи қонади, дили ёришиб, ўзида дадиллик сезади, шунинг учун ҳам айрон — жонга дармон, деймиз.

Хўш, айроннинг булардан бошқа яна қандай фойдали хусусиятлари бор? Дарҳақиқат, айрон таркибида биологик актив моддаларнинг юқори миқдорда бўлишидир. Айронда сут шакари, оқсил, минерал моддалар, ёғ, витаминлардан А, В, Д, Е, биотин, РР, холин ва фосфатидлар бор. Таркибида яна лецитин бўлиб, унинг организмга аҳамияти катта. Жумладан, организмда ёғларнинг сўрилиш процессларига таъсири бўлади, қон плазмасида эса, холестерин миқдорини доим нормага солиб туради. Қон томирларини мустаҳкамлайди, жигар атрофини ёғ босишдан сақлайди.

Ёши кекса кишилар, илмий ижод билан шуғулланувчилар, айниқса бир жойда кўп ўтириб меҳнат қиладиган касб эгалари системали равишда лецитинни қабул қилиб туришлари зарур. Лецитинга бой бўлган тухум сариғи, мия ва бошқа овқатларни ҳадеб қабул қилавериш эса албатта ҳаммага ҳам тавсия этилавермайди. Бундай кишиларга айрон жуда қўл келади. Бошқа овқат маҳсулотларида лецитин-оқсил комплекси айрондагидек эмас.

Таркибидаги сут шакари — лактоза ичакларда сўт ачиши микрофлорасининг яхши ўтишини таъминлайди, чириш ҳолларидан сақлайди. Шу жиҳатдан ҳам кўпинча ёғсизлантирилган қатиқдан ва бошқа турларидан болалар овқатлари тайёрланиб, унинг калорияси ва ёғи пасайтирилиши талаб этиладиган диспепсия ва бошқа ошқозон-ичак бузилиш касалликларида парҳезли овқатлар тайёрлаб берилса яхши натижа беради.

Айрондан тайёрланган ҳар хил овқатлар баъзи жигар, буйрак ва асаб системаси касалликлари билан оғриган беморларга ҳам берилади. Булардан ташқари, айрон организмда микроорганизмларнинг кўпайишига ҳам йўл қўймайди.

О. КУБАЕВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг илмий ходими.

Келинг, бир кулишайлик

КАМПИРНИНГ НАЗАРИДА

Чақалоқ ётган аравачасида бир тўп газета ҳам қўйилганди.

— Қандай ажойиб чақалоқ, — деб хитоб қилди ўтиб кетаётган бир кампир, — ҳозирдан газета ўқияпти!

— Нималар деяпсиз, менинг ўғлим аллома эмаску, ҳозирдан газета ўқиса, — деди чақалоқнинг онаси норози оҳангда. — Ҳозирча у кроссворд ечяпти.

ҚУЛНИ ЮВИШ

Ўқитувчи деди:

— Нигорахон, сен айт-чи, овқатланишдан аввал нима учун қўл ювилар экан!

— Қошиқни ифлос қилмаслик учун... — деди Нигорахон бир оз ўйланиб.

ДАНГАСАЛИК БУ

Ўқувчилар синфда «Дангасалик нима?» деган темада иншо ёзишди. Ўқувчилардан бири ўзининг уч бетлик иншосини топширди. У дафтарининг биринчи бетига «бу», иккинчисига «дангасалик», учинчисига эса «демакдир», деб ёзиб қўйганди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, ишчи.

Мексика кундалиги

АДИОС, МЕХИКО!

Ассалому алайкум, буэнос диас, дўстлар! Бугун мен, Пике ўзимнинг сўнги репортажимни Тошкентга қалбда ўкинч ва қувонч ила узатмоқдаман. Футбол бўйича XIII жаҳон чемпионати, бу рақам атрофидаги тарқалган турли-туман шов-шувларга қарамасдан ниҳоятда қизиқарли ва дўстона вазиятда ўтганлигидан беҳад бахтиёрман.

«Мундиал—86»ни қайси томондан кузатманг, унинг барча кўрсаткичлари салмоқли ва юксакдир. Ҳаяжонли футбол матчларини телевидение орқали 160 мамлакатда қарийб уч миллиарддан зиёд мухлис томоша қилди. Мексиканинг турли шаҳарларидаги 12 стадионда чемпионат кунлари икки ярим миллиондан ортиқ ишқибоз бўлди. Улар ер куррасининг энг яхши 24 командаси футбол бахсининг шоҳиди бўлдилар.

Баландлик ва жазирама иссиқда футболчиларга ҳам, мухлисларга ҳам ғоятда қийин бўлди. Бироқ бу қийинчиликлар уларнинг қувончига раҳна сололгани йўқ, кўзларида мамнунлик балқиб турди.

Бўлмасачи! Улар Катта Футбол байрамининг гувоҳи бўлдилар. Уларнинг кўз ўнгида ғайрат-шижоатга, талантларга бой ва тасодифларга тўла ўйинлар бўлиб ўтди.

«Кумуш мамлакат» футболчиларининг олтин маррасини кам деганда 130 минг томошабин ташриф буюрган «Ацтека» стадиони олқишлади. Финал матчига билетнинг баҳоси 100 доллар, кўлда эса уч баравар қиммат бўлишига қарамай «Ацтека» стадионида бир дециметр ҳам бўш жой қолмади. Бразилиялик арбитр Р. Арппи—Филонинг сўнгги ҳуштаги янги жаҳон чемпиони туғилганини маълум қилганда уларнинг хурсандчилиги чегараси бўлмади. Шундай қилиб Аргентина терма командаси ўз тарихида иккинчи марта бу юксак унвонга сазовор бўлди.

Стадионда рўй берган воқеани тасвирлашга тил ожизлик қилади. Сизларни билмайман-у, лекин бу байрам маросимидан қуйидаги лавҳалар менинг ёдимда қолди: ишқибозлар қуршовида қувончдан йиғлаётган аргентиналиклар тренери Билардо ва Марадона; яна кўзларида ёш билан олтин Кубокни баланд кўтарган Марадона.

Бу кубок унча катта эмас, баландлиги бор-йўғи 36 сантиметр, оғирлиги беш килограммча келади. Модомики, мардонавор йигитлар йиғлаётган эканлар, демак у оғир экан. Бу олтин чўққи сари юксалиш йўлида йигитлар машаққатлардан сира ҳам қўрқишмади. Бу йигитлар чемпионатнинг ҳар бир матчида ҳар бир дақиқа учун, яшил майдоннинг ҳар метрида маҳоратларини тасдиқлаш учун, ўз мамлакатларининг спорт шон-шарафи учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этдилар.

Бу йўл охиригача муносиб ва ғолибона босиб ўтилди. Шу боисдан ҳам бу ғалаба қувончининг чеки йўқ.

Чемпионат мобайнида Мексика футбол майдонларида 132 та тўп киритилди. Рақиблар дарвозасига англиялик ҳужумчи Гарри Линекер энг кўп тўп киритишга муваффақ бўлди — олтита. Чемпионатда энг яхши футболчилар деб тан олинган аргентиналик Диего Марадона, бразилиялик Оливейро Карека, испан Эмилио Бутрагеньолар ўз активларига бештадан тўп ёзиб қўйишди. Игорь Беланов (СССР), Алессандро Альтобелли (Италия), Хорхе Вальдано (Аргентина), Пребен Элькьяер (Дания)лар ҳисобида тўрттадан тўп бор.

Анъанага кўра чемпионат охирида бу ерда —Мехикода етакчи футбол шарҳловчилари тузган рамзий жаҳон терма командаси сафида барча ҳужумчиларга ўрин топилмади. Шарҳловчилар орасида машҳур футболчилар Пеле, Б. Чарльтон, Кубиллас, Эйсебио, совет чарм тўп ҳусталари В. Понедельник, В. Маслаченко ва бошқалар бор эди. ФИФА нинг рамзий футбол дружинаси қуйидагича бўлди: дарвозабон Шумахер (ГФР), ҳимоячилар Жозимар ва Сезар (Бразилия), Босси ва Аморо (Франция), ярим ҳимоячилар ва ҳужумчилар —Марадона (Аргентина), Фернандес (Франция), Кулеманс (Бельгия), Карека (Бразилия), Беланов (СССР) ва Лаудруп (Дания).

Совет футболи ўзининг вакили —ёш ҳужумчи Игорь Белановнинг бу юксак шарафга муяссар бўлганлиги билан фахрланиши мумкин. Мазкур «референдум» айни пайтда Аргентина ва ГФР терма командалари муваффақиятини асло камситмаган ҳолда, Бразилия ва Франция терма командалари матчининг ғоятда қизиқарли ва чемпионатнинг ёрқин баҳси бўлганлигини кўрсатди.

Энди катта футбол билан хайрлашиш пайтида нега ўкинганлигим хусусидаги айрим мулоҳаза.

Биринчидан, Мексикада чинакамига байрамга айланган жаҳон чемпионати билан, дўстлар билан хайрлашиш ачинарлидир. Ишончим комилки, тошкентлик дўстларим — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер Исоқ Тошмуҳамедов ва спорт мастери Аҳрол Иноятовлар билан бирга бўлган пайтимда, ғўзал ва меҳмондўст мамлакатимнинг футбол майдонларида мен йўлбошчилик қилган пайтимда олис Тошкент ва бутун Ўзбекистонда кўплаб дўстларим пайдо бўлди.

Иккинчидан, очиғини айтганда, чемпионат майдон эгалари, ФИФА раҳбарларининг барча саъйи-ҳаракатларига қарамай «Мундиал—86»ни ўтказишда баъзи камчиликлардан четлаб ўтилмади. Уларнинг кўпчилиги судьяларнинг ноғиқ ҳаракатлари, интизомсиз мухлислар билан боғлиқ.

Айниқса, жиддий мунозаларга сабаб бўлган чемпионатнинг саралаш ва финал ўйинларини ўтказиш системаси, муддати устида гаплашиб олиш лозим.

Назаримда, буни ФИФА арбоблари ҳам тушунишди. Бу борада ўзимнинг баъзи бир мулоҳазаларимни билдириш га журъат қилмоқдаман. Чунончи, чемпионат саралаш, дастлабки босқич ва финал ўйинларига бўлиниши лозим. Дастлабки икки босқич давра системасида —уйда ва меҳмонда матчлар тариқасида ўтказилиши лозим. Натижада, бу турнирларда ўн икки команда аниқланади. Финал қисмида эса бу 12 командага «Мундиал—86»нийг тўрт лауреати қўшилади. Шундай қилиб, финалчилар сафи 16 команда билан кифояланади. Бу қанчалик мунозарали бўлмасин, ҳудди шу рақам жаҳон чемпионатининг ҳал қилувчи босқичи учун максадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, Мексикадаги чемпионат якунланди. Энди жаҳон футболи эстафетасини серқуёш Италия қабул қилади. 1990 йилнинг ёзида тошкентлик қадрдон дўстларим билан энди чемпионатнинг бошқа рамзий тимсоли мулоқатда бўлади. Бу ажойиб Пиноккио ёки Сеньор Помидор бўлиши мумкин... Ҳозир аниқ бир нарса дейишга журъат этолмайман. Фақат шуни яхши биламанки, мен Пике—«Қалампир» ва собиқ ўтмишдошим Наранхито «Апельсин» Тошкент оқшоми» газетхонлари билан дўстлик эстафетасини бажонидил унга топширамиз.

Адиос, Мексика—86! Ассалому алайкум, Италия —90!

Камоли эҳтиром ва қадрдошлик саломи билан

Сизнинг ПИКЕ.

Мехико.

Пике, И. Тошмуҳамедов ва А. Иноятов репортажларини редакцияда бизнинг футбол шарҳловчимиз Эдуард АВАНЕСОВ қабул қилиб олди.

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 3/ VII да **Олғовли фариштa**, 4/VII да **Наврўз.**

КИНО

3 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТИНЧИСИ КИМ?» —**Санъат саройи** (17, 19, 20.40), **Қозоғистон** (жуфт соатларда, телефон 35-24-92).

«КАПИТАНГА ТУРМУШГА ЧИҚМОҚЧИМАН» — **Санъат саройи** (кичик зал 18, 19.40).

«БИРГИНА ХАТО» — **Чайка** (16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Ватан** (18, 21.00), **Восток** (16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«БОКСЕР ҚИСМАТИ» —**ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«УЧ АКА-УКА» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-52).

«СУДЬЯ ИВАНОВАНИНГ ШАХСИЙ ИШИ» — **Искра** (18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ЯККА СУЗИШ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69).

«УДДАБУРОН» — **Тинчлик** (18.30, 21.00), **Ҳамза номли** (18, 21.00).

4 ИЮЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЎРТИНЧИСИ КИМ!» — **Қозоғистон** (жуфт соатларда).

«БИРГИНА ХАТО» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20), **Ватан** (12, 15, 18, 21.00), **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30, 20.40; кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; телефонлар 44-21-34, 44-21-44), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 46-70-69), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61).

«СУДЬЯ ИВАНОВАНИНГ ШАХСИЙ ИШИ» — **Искра** (12.20, 14, 16, 18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ЯККА СУЗИШ» — **Қозоғистон** (тоқ соатларда, телефон 35-25-92) **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«УДДАБУРОН» — **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Ҳамза номли** (12, 15, 18, 21.00).

«УЧ АКА-УКА» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75).

КИНОТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Томошабинларга кинофильмларни кўришда қулайлик яратиш ҳамда хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида

САНЪАТ САРОЙИДА

ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари)

ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ КАССАСИ

ИШЛАЙДИ

Касса соат 15.00 дан 20.00 гача очиқ.

САНЪАТ САРОЙИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ПАССАЖИРЛАР ДИҚҚАТИГА!

КАНАЛИЗАЦИЯ КОЛЛЕКТОРИ ҚУРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН 3 ИЮЛДАН 30 АВГУСТГАЧА

Стародубцев кўчасининг «Октябрь революцияси» клубидан Тошкент темирйўл транспорти институтигача бўлган қисмида БАРЧА ТУРДАГИ ТРАНСПОРТ ВА 10-ТРАМВАЙ МАРШРУТИ ҲАРАКАТИ

ТУҲТАТИЛАДИ

2-маршрут трамвайи ҳаракати «Темирйўл вокзали» — «Узбексельмаш» заводи чегараларида ташкил этилади;

24, 40э-автобусларининг маршрути аэропортдан Локомотив, Весна, Мирсолиҳов кўчалари орқали ташкил этилиб, у ёғига амалда мавжуд бўлган илгариги маршрутлар бўйлаб икки томонлама ҳаракат давом этади;

«Октябрь революцияси» клуби йўналишидаги ҳаракат Железнодорожная, Кафанов, Полторацкий кўчалари, Космонавтлар проспекти, Привокзальная кўчаси; Темирйўл вокзалидан — Полторацкий, Пролетар, Т. Шевченко, Привокзальная, Железнодорожная кўчалари орқали ташкил этилади;

«Октябрь революцияси клуби» — «Темирйўл вокзали» оралиғида вақтинча 125-автобус маршрути очилади.

БАРЧА ТУРДАГИ ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИНИ КООРДИНАЦИЯЛАШ БОШҚАРМАСИ.

Тошкент индустриал техникуми томонидан Ишонқулов Мамадияр номига берилган 703128 номерли йўқолган ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

○○○ реклама ○○○ эълонлар ○○○ реклама ○○○

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

КИНОТЕАТРЛАР ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРДИ

«Якка сузиш»

Сценарий муаллифи — Е. МЕСЯЦЕВ.
Режиссёр — М. ТУМАНИШВИЛИ.

Ролларда: М. Ножкин, А. Фатюшин, С. Насибов ва бошқалар.

Жиддий воқеалар асосида яратилган бу фильм марказий разведка бошқармаси бизнинг мамлакатимизга қарши тайёрлаган иғвонинг олдини олишда ҳаётини аямасдан жасорат кўрсатган совет дengизчилари ҳақида ҳикоя қилади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«Тўртинчиси ким?»

Сценарий муаллифи —Г. БАДРИДЗЕ.
Режиссёр — О. КОБЕРИДЗЕ.
Ролларда Л. ЭЛИАВА, К. ТОЛОРАЯ, О. КОБЕРИДЗЕ ва бошқалар.

Фильм автомашиналарни олиб қочиш ва заргарлик магазинининг ўғирланиш жиноятини фош қилган ички ишлар органлари ходимлари ҳақида ҳикоя қилади.

Софдил, сахий, сезгир Котэ акасининг қотилини ўзи жазолашга қарор қилади.

«ГРУЗИЯФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
28-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: пойабзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойабзал тикувчи, тайёр маҳсулотларни қабул қилувчи контролёрлар, ремонтчи-слесарь, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойабзаллар тикувчи.

10-синфни тугатган ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади. 8-синфни тамомлаган ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

ҲАММА ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШ МУДДАТИ 6 ОЙДАН 10 ОЙГАЧА.

Практика даврида ўқувчилар ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР ТОШКЕНТДАГИ 1-ПОЙАБЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун Пойабзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Билим юртида ишчи-ёшлар мактаби бор. Билим юрти қошида бичиш-тикиш курси бор. Бу курсни битирганларга гувоҳнома берилади.

ЎҚИШ — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмли 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри; Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбуслар; 7, 11, 51-автобусларнинг «Пойабзал фабрикаси» бекати. Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

19-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

металл бўйича токарь, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, саноат ускуналари бўйича слесарь, электр пайвандчи, ОТК контролёри, автослесарь.

Ўқишга 8-10 синф ҳажмида маълумотли, 15-25 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати—3 йил, ўрта маълумотлилар учун эса бир йил.

ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар юқори малакали мутахассис дипломини оладилар ҳамда улар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

8-синф ҳажмида маълумот билан ўқишга кирганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар эса (техника билим юрти программаси бўйича) ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.

Юқорида кўрсатилган ҳамма ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлайдиган 6 ойлик курслар ташкил этилади. (фақат электр пайвандчи ихтисослигидан ташқари —бу ихтисослик бўйича кирувчиларнинг ёши камида 17,5 бўлиши керак).

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, медицина справкаси (086/У форма), 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, охирги иш ёки ўқиш жойидан характеристика.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Владимирский переулоги, 15-уй (17, 18-троллейбуслар; 4 24, 63, 102-автобуслар; 13, 22, 6-трамвайларнинг «Партия мактаби» бекати).

«Тоҳир ва Зуҳра»— ёзги мавсумга

Эркакларга —модали фасонда ва ранг-баранг тусли газламалардан тикилган кўйлаклар, шимлар, костюмлар;

Хотин-қизларга —шойи, ип-газлама ва ҳонатласдан тикилган чиройли ва бежирим кўйлаклар, халатлар, юбкалар, блузкалар сотувга қўйилган.

Ёз фаслига атаб ўз нафосати бўйича либослар тиктирмоқчи бўлганлар магазинда шойи, крепдешин, ҳонатлас матоларини танлашлари мумкин.

Магазин Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-уйда жойлашган.

Ишлаш тартиби — соат 10 дан 20.00 гача. Танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Душанба — дам олиш куни.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-18-51).

Қуёш нури каби жилвали

Қаҳрабо... Денгиз бу ажойиб тошни бизга ҳадя этади. Минг йиллар муқаддам сўнган бу жинснинг бир бўлаги заргарнинг қўлида ғўзал зийнат буюмига айланади.

Қадим-қадим замонларда қаҳрабони муҳаббат ва қувонч белгиси сифатида таърифлашган. Бундай талқин қилинадиган вақтлар ўтиб кетди. Бугунги кунда олтин ёки кумуш узукка қадалган бу тош гўзаллиги билан ажралиб туради.

Калининград қаҳрабо комбинати бу мўъжизали тошдан ранг-баранг узуклар, зираклар, маржонлар, занжирли зийнат буюмлари тайёрлаб чиқармоқда. Сиз бундай буюмларни шаҳарнинг заргарлик магазинларидан сотиб олишингиз мумкин.

Калининград заргарлик комбинати.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

10 ИЮЛДАН БОШЛАБ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИДА

Ленинград қаҳрамонона мудофааси бошланганлигининг 45-йиллигига бағишланган ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ ЎТКАЗАДИ.

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
10—12 июлда —БИЗ ҚАМАЛДАНМИЗ.
«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
10—12 июлда —АФСОНА —ОДАМЛАР. ҚАМАЛДАГИ ШАҲАРДАН КЕЛГАН ҚИЗ.
«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА
10—12 июлда —АФСОНА-ОДАМЛАР. ҚАМАЛДАГИ ШАҲАРДАН КЕЛГАН ҚИЗ.
«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
10—12 июлда —ЛЕНИНГРАД КУЙЛАРИ.
ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
10—12 июлда —ҒАЛАБАГАЧА 19 ОЙ ҚОЛГАНДИ.
«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА
10—12 июлда —ТАҚДИРИ УЛУҒ ШАҲАР.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА
10 июлда —ЛЕНИНГРАДЛИКЛАР —ЖИГАРБАНДЛАРИМ МЕНИНГ.
КОМИЛ ЁРМАТОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
10 июлда —ҚАМАЛ.
«ВАТАН» КИНОТЕАТРИДА
10 июлда— БОЛТИҚ ОСМОНИ.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700047, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-55-37, 32-53-83; саноат ва қурилиш — 32-57-84; шаҳар хўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р—13983. Газета бир йилда 300 марта чиқади. Тираж 52.030. Б — 2047. Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.